Ушбу сонда:
2 БИР ИХТИРО ШАРОФАТИ
3 TV - ДАСТУРИ
4 *Сиз бунга нима дейсиз?* БОЛА ТАРБИЯСИ УЧУН ВАҚТ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 11 ноябр, шанба №164 (996)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


**XXI АСРГА 50 КУН ҚОЛДИ**

*Эзгулик йўлида ҳар битта қадам,*
*Раҳмат муҳри эрур сенга эй, одам!*
*Олам узра бу кун кўтармишсан қад,*
*Унутма, буюксан, буюксан беҳад.*

*Абдулла ОРИПОВ.*

# ИЗЛАНИШ ВА ОМИЛКОРЛИК МЕВАСИ

***Сурхондарё вилояти Термиз тумани пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режани бажарди. Улар 5 минг 400 гектар ерга уруғ қадаб, ўртача 30 центнердан ҳосил олди. Ингичка толали «Термиз-31» нави ҳосилдорлиги 35,5 центнерни ташкил этди.***

## ТЕРМИЗЛИКЛАР ЮТУҒИ

Туман пахтакорларининг меҳнат ғалабасига режани 115 - 121 фоиз уддалаган «Дўстлик» ва «Ҳалқобод» ширкат хўжаликлари катта улуш қўшди. Бу хўжаликларда гектаридан 37-40 центнердан ҳосил олинди. Деҳқон фермер хўжаликларидан «Мангузар» фермер хўжалиги гектаридан 52,6 центнердан ҳосил кўтариб, энг юқори кўрсаткичга эришди.

**(ЎзА).**





Шароф Рашидов туманидаги Пахтаобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти Мирзачўл зонасидаги олди корхоналардан биридир. Мазкур корхонанинг 35 йиллиги нишонланди. Бу ерда ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Ҳар бир меҳнатчининг ўртача ойлик иш ҳақи 25 минг сўмни ташкил қилади. 1999 йилни корхона фойда билан якунлади, ҳар бир акцияга 11 минг сўмдан дивидент берилди.

Бундан ташқари ўтган йилги ҳосилдан олинган толанинг 97 фоизи Англия, Франция, Швеция, Италия, Корея каби хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

Айни пайтда бу ерда 4 та пахта тозалаш ва қуритиш агрегати тинимсиз ишлаб турибди.

***Суратларда: 1.Ҳиссадорлик жамияти илғор ишчилари Суннат Усмонов, Муҳайё Тўраева ва Баҳром Исмоилов. 2.Созловчи Сулаймон Норматов.***

**Б.ТЎРАЕВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

# СОҒЛОМ АВЛОД ДАСТУРИ

## уни бажариш йўлида касаба уюшмалари қандай тадбирларни амалга оширишяпти?

***Соғлом авлод давлат дастурини амалга ошириш юзасидан касаба уюшмалари ҳам фаол иш олиб бормоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда республика Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ишчи гуруҳи ишлаб чиққан режа асосида қатор тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди.***

Жумладан, тармоқ корхоналарида "Жамоада ҳуқуқий тарбияни мустаҳкамлаш», «Ишчи ва ходимларга меҳнат қонунчилиги асосида имтиёзлар яратиш», «Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» мавзуларида учрашув, давра суҳбатлари уюштириляпти. Унга малакали мутахассислар жалб этилаётир.

Соғлом фарзанд ўстириш учун онага моддий ёрдам ҳам зарур. Ушбу мақсад учун тўққиз ойда 2 ёшдан 3 ёшгача боласи бўлган 791 нафар аёлга алоқа тармоғидаги корхона ва ташкилотлар томонидан салкам 18 миллион сўм ажратилди. Ҳомиладорликнинг олтинчи ойидан таътилга чиқиш, тўрт ва ундан кўп фарзанди бўлган аёлларнинг ҳафталик иш кунини 1 соатга қисқартириш ва бошқа имтиёзларнинг ижроси ҳам мутасаддиларнинг доимий эътиборида. Айни пайтда алоқа тармоқларида кўп болали ва кам таъминланган 2335 нафар аёл ишлаяпти. Уларга тўққиз ойда 9716 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ногирон, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашиш кўп савоб иш. Алоқачилар ногирон фарзанди бор ҳамкасблари оилаларига вақти-вақти билан ёрдам кўрсатишни канда қилишмайди. Эллик етти оила шундай мадад оляпти, уларга биринчи октябргача 558,4 минг сўм тарқатилди.

Хайрли ишларни амалга оширишда сурхондарёликларнинг ҳимматини ҳам таъкидлаш жоиз. Вилоят алоқачилари «Меҳр-мурувват уйи», «Меҳрибонлик уйи», Сариосиё ва Узун туманларига, болалар касалхонаси ҳисоб рақамига маблағ ўтказишяпти.

Шунингдек, пойтахтимиздаги «Электрмагнит мослашув маркази» корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси саховатда кўпга ибрат бўлмоқда. Ёш авлод яхши билим олиб, етук мутахассис бўлиб етишиши учун ушбу корхона томонидан ногиронлар техникумига 40 минг, алоқа коллежига 300 минг, «Умид» жағармасига 800 минг, «Ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш маркази»га 30 минг, Алоқа олигоҳига 100 минг сўм туҳфа этилди.

**(Давоми 2-бетда.)**

*Атроф-муҳит мусаффолиги учун*

# ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

***Гўзал Тошкентимизнинг ҳусни-жамоли нақадар мафтункор. Замонавий турар-жой бинолари, кенг, равон кўчалар, хиёбонлар, ажойиб кўприкларни кўриб дил қувнайди. Гўзал пойтахтимизни озода сақлаш, атроф-муҳит муҳофазасига масъулият билан ёндошиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бахтга қарши кимлардир буни унутиб қўйишмоқда.***

Шу олтин куз кезлари маҳаллалар, мавзелар, корхона ва ташкилотларда шох-шаббалар, айниқса ҳазонлар кўплаб тўпланиб қолмоқда. Кимларнингдир масъулиятсизлиги, бепарволиги оқибатида уларни дуч келган ерда ёқиш, чиқиндиларни рухсат этилмаган жойларга ташлаш каби ҳолатлар кузатилмоқда. Бу табиийки аҳоли эътирозига сабаб бўляпти. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, чиқиндилар ёқилганда ундан ҳосил бўладиган газлар атроф-муҳит ҳавосини бузади, инсон нафас йўлларига салбий таъсир ўтказади, турли касалликларнинг кўпайишига сабабчи бўлади.

Шаҳар санитария-эпидемиология хизмати томонидан ўтказилаётган режали рейдлар натижасида жиддий камчиликлар аниқланмоқда. Атроф-муҳитга зиён етказиш кўпроқ Чилонзор тумани «Гулобод» маҳалласидаги «Бўрижар» канали қирғоқларида, Иқтисодиёт университетига қарашли 3-талабалар ётоқхонаси, 8-мавзедаги 310-болалар боғчаси, Шайхонтоҳур туманидаги Ибн Сино мавзеси, Жарариқдаги қурилиши тугалланмаган жойларда кузатилмоқда. Ўйлаб кўринг-а, агар юз килограмм чиқинди ёндирилса, унда 3 минг нафарга яқин одам тоза ҳаводан маҳрум бўлади. Агар маҳаллалар, мавзе ва бозорларда бир кунда тонна-тонналаб ҳазону чиқинди ёқилаётганлигини ҳисобга олсак, масаланинг салбий жиҳати равшан бўлади-қўяди.

Тошкентимиз бизнинг фахримиз. Шу гўшада яшовчи ҳар бир инсон атроф-муҳит мусаффолиги учун курашиб, шаҳримизнинг янада гўзал, покиза бўлишига ўз ҳиссасини қўшиши керак.

**М.ШОДИЕВ,**
**Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори ўринбосари.**

# НОЖОИЗ ДАҒДАҒА

Сўнгги вақтларда Андижон туман электр тармоқлари идораси корхона, ташкилотларга талабни ҳаддан ташқари ошириб юбораётганлиги хусусидаги гап-сўзларда жон бор экан. Масалан, мазкур идора мутасаддилари «Савдо уйи» кичик корхонасидан 39.259 сўм пулни ундириб олишган. Туман прокуратураси аралашувидан сўнг маълум бўлдики, «Савдо уйи» электр қувватидан атиги 7.072 сўмлик фойдаланган экан. Ортиқча олинган пул ўз эгасига қайтарилди.

«Усмонхожи» фермер хўжалиги сутни қайта ишлаш цехига эга. Иш айни қизиган пайтда электр тармоғи узиб қўйилса катта зарар кўрилиши тайин гап. Буни яхши англаган электр тармоқлари идораси мутасаддилари ножоиз дағдаға қилишган. Масала кўндаланг қўйилгач, бўлар-бўлмасга чироқни ўчириб қўйиш барҳам топди.

**А.МУҲАММАДЖОНОВ.**

# 500 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Чимбойлик Усенбой оға Тажетдинов ясаган қорақалпоқ халқининг миллий ғурури — қора уй-ўтовлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ўтовларни тайёрлашда унинг уч фарзанди яқиндан кўмаклашмоқда. Оддий уста йилига ўнта ўтов тайёрлаётир. Ўғиллари янги касб-қора уй қуриш сирларини ўргангач, оила бюджети мустаҳкамланди, харидорлар эса қулай, ихчам ва сифатли ўтовлар эгаси бўлди.

Усенбой оғанинг хусусий тадбиркорликни йўлга қўйишида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Нукус бўлими таркибидаги Орол-ижтимоий рағбатлантириш Чимбой агентлиги яқиндан ёрдам берди. Тадбиркор агентликдан 1998 йили 420 минг сўм имтиёзли кредит олиб иш бошлаган эди. Натижаси кутилганидан ҳам зиёда бўлди.

Асосан Тахтакўпир, Қораўзак, Кегейли, Чимбой ва Бўзатов туманларида ишбилармонлик, тадбиркорликни, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи Чимбой агентлигининг бундай хайрли ишлари кўп. Жумладан, шу кунгача 245 лойиҳа тасдиқланиб, уларга салкам 900 миллион сўм кредит берилди. Маблағ билан таъминланган лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилиниб, тайёр товарлар, деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортди. 500 нафардан зиёд киши иш билан таъминланди.

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

# АВТОБУСДА МАТБУОТ БУРЧАГИ

Андижондаги 27-автокорхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишнинг янги усулини жорий этдилар. «Андижон-Қўқон» йўналиши бўйича қатнайдиган 2 та «Икарус» дид билан безатилди, бир томонга рангли телевизор, иккинчи томонга видеоаппаратура ўрнатилди. Шунингдек, вақтли матбуот бурчаги ташкил қилинди, музлатгич қўйилди.

Шуниси диққатга сазоворки, хизмат маданиятини оширишга алоқадор қулайликлар учун қўшимча ҳақ олинмайди. Йўловчилар мазкур йўналишдаги машиналарга «Роҳатижон автобуслар» деб ном қўйишди.

**М.АБДУКАРИМОВ.**

# ОБУНАГА МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

Бухоро вилоят «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси обунани уюштириш тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, кам таъминланган оилалардан 30 таси ўзлари хоҳлаган нашрларга жамғарма ҳисобидан обуна қилиндилар.

Шофиркон туманидаги 8-қурилиш-монтаж бошқармаси маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси илғорларни рағбатлантириш ниятида бошқа нашрлар қатори «Ишонч» газетасига ҳам обуна ташкил этди. Бунинг учун кетган маблағ маъмурият ҳисобидан қопланди.

**У.НАВРЎЗОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**




# КРЕДИТ ТАДБИРКОРГА ҚАНОТ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришда банклар томонидан берилаётган кредитлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар янги иш ўринларини яратиш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Масалан, жиззахлик Абдурашид Азимов раҳбарлигидаги «Эркин-Т» фирмаси «Уй-жой жамғармабанк»дан 6 ой муддатга 5 миллион сўм кредит олди. Натижада ички имкониятлар ишга солиниб 67 та иш жойлари яратилди. Кредит белгиланган муддатдан олдин қайтарилди. Мазкур омилкор фирма эндиликда Зомин туманида қишлоқ шифокорлик пункти қурмоқда.

Кичик корхоналар харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Уларнинг сони ортиб бораётганлиги сабабли қишлоқлардаги кўплаб йигит ва қизлар замонавий касбларнинг эгалари бўлишмоқда. Жиззах шаҳридаги «Маржон-С» хусусий фирмаси бир ярим миллион сўмлик кредит олиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехни ишга туширди.

Қувончлиси шуки, тадбиркорларимиз хорижлик ишбилармонлар билан алоқани мустаҳкамлашмоқда. Бу ҳар икки томонга катта наф келтиряпти. Вилоятдаги «Лалмикор-Ш» ҳиссадорлик жамияти Италиянинг энг обрўли фирмаси билан ҳамкорликда макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ўзаро суҳбат чоғида шу нарса маълум бўлдики, банклар олаётган фойдадан имтиёзли кредитлар фонди ташкил этилиши янги-янги қулайликларни яратмоқда. Мазкур фонд орқали кредит олаётганлар атиги 8 - 12 фоизлик устама тўламоқдалар.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, айрим тадбиркорлар олинган кредитларни ўз вақтида қайтаришмаяпти. Демак, уларда ишни омилкорлик билан ташкил этиш, ташкилотчилик ва ташаббус кўрсатиш салоҳияти етишмаяпти. Шу боисдан кредит ажратаётганда банк мутасаддилари масаланинг бу жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

**А.АКМАЛОВ.**

*Огоҳ бўлайлик*

# «ҚЎЁНЧА» ИЧИДА ГЕРОИН

Республика Давлат божхона қўмитасидан олинган маълумотга кўра, жорий йилнинг ўн ойи мобайнида мамлакатимиз божхона чегараларидан контрабанда йўли билан мамлакатимизга олиб ўтилаётган 709,1 килограмм наркотик моддалар, 32 минг 571 нусха диний-экстремистик руҳда ёзилган китоб ва варақалар, 272 дона порнографик мазмундаги видео кассеталар ушлаб қолинди. 2,7 миллион сўмлик маданий тарихий буюмлар мамлакатимиз ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган пайтда тўхтатилди.

— Юқорида номлари келтирилган буюмлар ва ашёларни чегарадан олиб ўтишга уринишдан мақсад мўмай пул топиш, ёшларнинг ғоявий ва ахлоқий жиҳатдан бузилишига, уларнинг келажагини барбод қилишга, маданий-маънавий меросимиздан маҳрум қилишга қаратилгандир, - деди божхона қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Абдимўмин Тиловов «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. - Биргина гиёҳванд моддалар хусусида тўхталадиган бўлсак, транзит усулида олиб ўтишга ҳаракат қилинганда ҳам наркотикнинг 15 фоизга яқини мазкур мамлакат ҳудудида қолади. Бу юзлаб ёшларнинг ҳаёти издан чиқади, ўнлаб оилалар тинчини йўқотади, демакдир.

Наркотик моддалар олди-сотдиси билан шуғулланувчи кимсаларнинг хили ҳам, уларнинг найранглари ҳам кўп бўларкан, таъкидлади Абдимўмин Тиловов. Душанбелик В.Харламов уч килограмм героинни «Кичкинтой» болалар таоми ва қўғирчоқ қуёнчанинг ичига жойлаб Душанбе-Волгоград йўналишидаги поездда сафарга отланганида божхона ходимлари томонидан қўлга олинди. Душанбе-Конибодом поездида кетаётган Матлуба Муҳиддинова эса уч килограмм героинни кўрпа ва ёстиққа жойлаб, бамайлихотир уйқуни ураётганда сири фош бўлди.

Ушбу далил ва рақамларни келтиришдан мақсад юртдошларимизни атрофимиздаги хавф-хатардан, бойлик орттиришга муккасидан кетган, бу йўлда ҳеч нарсадан тоймайдиган кимсаларнинг қора қилмишидан огоҳ қилишдир. Токи фарзандларимиз, атрофимиздагилар бундай иллатларнинг домига тушмасин.

**«Туркистон-пресс».**

*Ислоҳот одимлари*

# ЯХШИ МУҲИТ
## муваффақият омили

***Корхона цехларига кириб борарканисиз, бир-биридан гўзал, ғоят бежирим ишланган ўзбек чинниларини кўриб, қалбингиз жумбушга келади. «Шафтоли гули», «Гулдаста», «Нилуфар» сингари сервизлар хорижга ҳам экспорт қилиняпти. Қўли гул ишчиларнинг кайфияти аъло. Соғлом муҳит, маҳсулотлар сифати, эришилаётган натижалар ҳамжиҳатлик, изланиш, касбга ихлос қўйиш самарасидир.***

Самарқанддаги «Нафис» чинни ишлаб чиқариш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 1,5 минг нафарга яқин киши меҳнат қилади. Уларнинг асосий қисми хотин-қизлардир. Корхона касаба уюшма қўмитаси иш шароитини яхшилаш, соғломлаштириш ва ижтимоий муҳофаза масалаларига алоҳида эътибор беради. Ходимлар юксак қадр топган ҳар битта цехда дам олиш хонаси мавжуд. Тиббиёт маркази кеча-ю кундуз ишлайди. Ишчи-хизматчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда шу ернинг ўзида бепул даволанишлари мумкин. Корхона ёнгинасида болалар боғчаси, ётоқхона, оромгоҳ.

Жамоа шартномасида меҳнатчиларга кенг имтиёзлар кўзда тутилган. Жумладан, аёлларга қўшимча уч кунлик меҳнат таътили берилади. Фарзандларни соғломлаштириш, уларга мактаб дарсликлари харид қилишда маъмурият, касаба уюшмаси моддий жиҳатдан ёрдамлашади. Жорий йилнинг ўзида кам таъминланган оилаларга 1,5 миллион сўм ажратилганлиги ҳам меҳнат кишисига ғамхўрликнинг ёрқин кўринишидир.

Бу ерда меҳнат интизомига қатъий риоя қилинади. Маҳсулот сифатига путур етказган ишчини яхшилаб «сийлашади». Нозик касб сирлари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ҳиссадорлик жамияти раиси Болтакўл Тўрақуловнинг таъкидлашича, малакали кадрлар тайёрлаш, жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган бежирим сервизлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда сулолалар муҳим рол ўйнамоқда. Корхонада Тошев, Ризаев, Худойбердиев, Шукруллаевлар сулоласини алоҳида қадрлашаркан. Боиси, улар томонидан тайёрланаётган чинниларни қўлга олиб, ба- мисоли сеҳрланиб қоласиз.

Корхона маъмурияти, касаба уюшмаси бозор шароити талабларини алоҳида инобатга олмоқда. Илгарилари хомашё Украина, Россия, Тожикистондан келтириларди. Собиқ иттифоқ емирилганидан сўнг бу борада жиддий муаммолар юзага келди. Ҳаммасини янгитдан бошлаш осонмасди. Бироқ, билимдон, омилкор кишилар маҳаллий хомашё асосида корхонани қайта оёққа қўйишга эришдилар. Каолин, кварцли қум, пегматит каби ўта муҳим хомашё ўзимиздаги конлардан келтирилмоқда. Ишлаб чиқаришни қайта ташкил этишда бош муҳандис Ҳаким Раупов, иқтидорли мутахассислар Валентина Шилина, Татьяна Багдасарова, Маҳмуд Зубайдуллаевларнинг хизмати катта бўлди.

Чуқур билим, тажриба, изланиш бўлмаганида юқори босимга чидамли бўлган гипс йўқлигини баҳона қилиш мумкин эди. Бироқ бу муаммо ҳам ҳамжиҳатликда ҳал этилди. Когондан келтирилган хомашё шу ерда қайта ишланиб, сифат даражаси яхшиланди. Кўпнинг бахтига вилоятнинг ўзида ажойиб гипс заҳираси топилганлиги маҳсулот турини элликтага етказиш имконини берди.

Замонавий технологиялар жорий этилиши натижасида баъзи цехлардаги иш ўринлари қисқартирилди. Ана шунда касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашлар манфаатининг устувор ҳимоячиси эканлигини амалда кўрсатди. Касаба қўмитаси аъзолари маъмурият олдига қисқаришга тушган аксарият ходимларни иш билан таъминлаш вазифасини қўйди. Мутахассислар, тажрибали ишчилар билан маслаҳатлашилиб, ўтга чидамли плиталар тайёрлаш цехи барпо этилди. Қисқаришга тушган ишчилар ана шу цехда яхши кайфият билан иш бошладилар. Ҳозирда корхонада бир неча хил керамика буёқлари тайёрланаяпти. Сифатга талаб ошаётганлиги боис, нодир бўёқлар бўлимини барпо қилишга киришилди.

Яхши кайфият, ўз корхонаси билан фахрланиш одамлар ғайрат-шижоатини жўш урдирмоқда. Улар яхши ишлаш билан бирга рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари билан чиқишяпти. Ўтган давр мобайнида 200 та янгилик ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги боис, катта иқтисодий самара олинди.

Ҳиссадорлик жамиятида соғлом авлод дастури асосида спорт мусобақалари ўтказиб турилади. Ишчи-хизматчилар теннис, футбол, волейбол билан доимий равишда шуғулланишади. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигининг ошишида асосий омил бўлмоқда. Корхона савобли ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Қатор боғчалар, меҳрибонлик уйлари, мактабларга оталиқ ёрдами кўрсатилмоқда. Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш мақсадларига 1 миллион сўм ўтказилди. Ўз меҳнатлари билан мўъжизалар яратаётган фидокор кишилар ҳузуридан қайтар эканмиз, камалак рангларда жилоланаётган Самарқанд чиннилари кўпаяверсин, дея ният билдирдик.

**Нурилла ОСТОНОВ.**

# ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК



Пойтахтимиздаги «Самарқанд» бош бекатидан турли манзиллар томон қанчадан-қанча йўловчилар автобусларда йўл оладилар. Сўнгги вақтларда рақобат шарофати ила хизмат кўрсатиш маданияти анча юксалди. Буни «Тошкент-Бекобод» йўналишидаги транспорт воситалари мисолида ҳам кўрса бўлади. Аввалига автобус салонига радио, телевизор, магнитафон ўрнатилди. Кундалик рўзномалар ҳам эсдан чиқарилмади.

Яқинда ибратли ишлар давом эттирилиб, автобусларга уяли телефон қўйилди. Энди хоҳлаганлар истаган жойларига қўнғироқ қилишлари мумкин. Шунингдек, йўловчиларга йўлйўлакай тамадди қилиш имкони яратилди. Чой, ширинлик, қаҳва - ҳаммасидан бор. Мутасаддиларнинг таъкидлашларича, бундай қулайликлар яқин вақт ичида Ангрен, Гулистон, Самарқанд шаҳарларига қатновчи автобусларда ҳам яратилар экан.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



## МЕҲР-МУРУВВАТДАН ОЛАМ МУНАВВАР

«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими Янгийўл шаҳридаги «Кичкинтой» акциядорлик жамияти жамоасининг хайрия тариқасида юборган 224 жуфт пойабзални қабул қилиб олди. Шунингдек, сўнгги бир ой ичида жамғарма ҳисоб рақамига Олмалиқ шаҳридаги автокорхона 30 минг, «Савдо» масъулияти чекланган жамият ўн минг сўм ўтказди.

Бу буюмлар ногиронлар куни арафасида вилоятдаги махсус интернат ва меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўғил-қизларга топширилади.

— Фабрика жамоасининг туҳфаси бир томондан кўнгли ярим фарзандларимизни қувонтирса, хайрия тадбирларини ўтказишга кўмаклашаётганларнинг сафи кенгаяётганлиги бизни ҳам хурсанд қилмоқда, — деди жамғарма вилоят бўлимининг раҳбари Гулсанам Ваҳобова «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Бу маблағлар мўътабар йилда ногиронлар байрамини уларнинг даврасида муносиб тарзда нишонлашга, совға-саломлар улашишга имкон беради.

Жамғарма ходимлари халқаро ногиронлар куни доирасидаги тадбирларнинг дастлабкиларини Бўстонлиқ туманидаги 125-махсус интернат-мактабда ва Паркент туманидаги Заркент қишлоғида ўтказадилар.

Декабр ойининг бошида Бекобод шаҳрида ўтадиган «Соғлом авлод юлдузчалари» вилоят фестивалида «Севинч», «Юлдузча», «Хумо», «Грация» гуруҳлари махсус мактаб ўқувчиларига санъатларини намойиш этишади.

## «САХОВАТ» БОҒЧА-МАКТАБИ

Бекободдаги «Меҳрибонлик» ногирон болалар боғчаси ёнига яна бир маскан қўшилди. «Саховат» деб номланган бу боғча-мактаб юз ўринга мўлжалланган бўлиб, у куни кеча 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган ногирон болаларни ўз бағрига олди. Анчадан бери ишламай ётган болалар муассасаларидан бирини мазкур мактаб-боғчага мослаб таъмирлаш учун шаҳар ҳокимлиги 12 миллион сўм маблағ сарфлади. Жиҳозлаш ишлари эса Жанубий Кореядаги «Кладичек» халқаро хайрия жамғармаси томонидан амалга оширилди.

- Савоб ишнинг хосияти кўп экан,- дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Абдусалом Эрматов.- Соғлом авлод камолини ўйлаб бошлаган хайрли ишимиздан бошқалар ҳам четда қолмади. Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими боғча-мактаб тарбияланувчиларига ўқув қуроллари, «Қизил Ярим ой» жамияти қишки кийим-бош ҳадя қилди. Энг муҳими, биз ногирон болалар муолажаси ва таълим-тарбиясини уйғун равишда олиб бориш имкониятига эга бўлдик.

## ҚИММАТЛИ ТОПИЛМА

Қўйтошда фаолият олиб бораётган кон қидирувчилар Ғаллаорол тумани ҳудудидан янги минерал - қумли кварц топди. Геологлар Қорақуш тоғ ён бағридан топилган бу маъдан жуда катта заҳирага эга эканлигини таъкидламоқда.

Ҳозир бу ерда кончилар дастлабки қазиш ишларини олиб боришяпти. Биринчи карьернинг ўзида қарийб бир миллион тонна қумли кварц минерали мавжудлиги аниқланди. Янги маъдан очиқ майдонда қазиб олинаётгани туфайли таннархи арзонга тушмоқда. Маъдан таркибидан олтин, темир, кумуш ва мис моддаларини ажратиб олиш учўн Бекобод металлургия комбинатига жўнатилмоқда.

**(ЎзА).**



Окдарё машина-трактор парки давлат акциядорлик жамияти жамоаси юқори босимли сув насосларини таъмирлаш юзасидан белгиланган топшириқларни ойма-ой бажариб келмоқда. Буюртмачилар қўли гул усталарнинг ишга масъулият билан ёндошаётганларидан мамнун бўлишаётир.

**Суратда:** ***Тажрибали уста Сергей Малофеев.***

**И.ҲАСАНОВ олган сурат.**

# БИР ИХТИРО ШАРОФАТИ
## ила қўл меҳнати енгиллашди

Фарғона вилоятидаги «Капчугай темир-бетон буюмлари» масъулияти чекланган жамиятда имкониятдан оқилона фойдаланилаётгани боис қувончли натижаларга эришилмоқда. Аҳил жамоа ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш йўлида янгиликка дадил қўл урмоқда. Қатор ихтиролар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Масалан, илгари айланаси 500 миллиметрли қувур Тошкентдан олиб келинарди. Корхона ихтирочилари бош муҳандис Каримжон Эркабоев билан шундай қувур ишлаб чиқаришни ўзлаштириш устида жиддий изланишди. Интилиш ўз самарасини берди. Шу йилнинг биринчи чорагидан давлат стандарти талабларига тўла жавоб берадиган қувур тайёрлаш йўлга қўйилди. Эндиликда маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида металл ишлатмасдан айланаси 300, 500 миллиметрли қувурлар ишлаб чиқарилмоқда. Шу пайтгача харидор узунлиги 2,5 метр металл буюмни 17 минг сўмга олган бўлса, энди уни 8600 сўмга харид қилади.

Корхона ихтирочилари яқинда бетон қуйиш мосламасининг қулай моделини яратдилар. Шу янгиликнинг ўзи 5 миллион 300 минг сўмлик иқтисодий самара берди. Натижада қўл меҳнати анча енгиллашди. Ушбу жамият қошида қурилиш-монтаж ишларини бажарувчи гуруҳ ташкил этилган. Ўтган йили улар кучи билан Қува, Учкўприк туманларида янги ерлар ўзлаштирилди.

Жамиятда ўтган тўққиз ойда режадаги 96 миллион сўмлик ўрнига 172.8 миллион сўмлик ялпи товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмоли моллари тобора кўпаймоқда.

Қандай маҳсулот тайёрланмасин, унинг сифати тайёрланган қоришмага кўп жиҳатдан боғлиқ. Буни Аҳмаджон Ўринбоев бошлиқ цех ишчилари яхши билишади. Ибратли ишлардан яна бири, автосарой ташкил этилганидир. Ҳозир унда 50 дан ортиқ турли техника воситалари мавжуд. Ўзларининг ишидан ортиб, буюртма асосида бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам ишлашяпти. Капчугай қир-адирларига куз шамоли ўз таъсирини кўрсатаётган бир пайтда ҳам шағал конида бир зум иш тўхтамайди.

Жамиятда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш асосий вазифа ҳисобланади. Уларга ойлик маош вақтида беріляпти. 25-30 минг сўмдан ойлик олаётганлар эса кўпчиликни ташкил этади. Вақти-вақти билан ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланади. Йўлкира текин. Меҳнаткашлар хоҳлаган сиҳатгоҳ, дам олиш уйига йўлланмаларни бепул олишади. Уларнинг фарзандлари учун ҳам қатор имтиёзлар яратилган.

**Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.**

# СОҒЛОМ АВЛОД ДАСТУРИ
## уни бажариш йўлида касаба уюшмалари қандай тадбирларни амалга оширишяпти?

**(Боши 1-бетда.)**

Маълумки, спорт билан мунтазам шуғулланиш инсон саломатлигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Одамларда унга қизиқиш орттириш учун турли спорт мусобақалари ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада ҳам қатор тадбирлар амалга ошириляпти.

— «Соғлом авлод йили» тадбир режасига мувофиқ босқичма-босқич тармоқ вакилларининг республика спартакиадасини ўтказдик, — дейди Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси маданий-оқартув ва спорт ишлари йўриқчиси Суннат Абдуғаниев. — Мусобақаларнинг финал қисми қатнашчилари июл ойида Тошкент алоқа коллежи спорт иншоотига йиғилдилар. Ўша кунлари мазкур даргоҳ чинакам байрам тусини олди. Финал ўйинларида 200 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди.

Мустақилликнинг 9 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Марказий қўмитанинг кубоги учун мини футбол бўйича турнир уюштирилди. Унда 16 команда футболчилари майдонда тўп сурдилар. Ғолиблар муносиб тақдирланди.

Шу кунларда яна бир мини футбол бўйича мусобақа давом этяпти. Пойтахтдан саккиз команда Тошкент давлат Аграр университети спорт залида куч синашяпти. Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида аниқланади. Футболчиларга қимматбаҳо соврин ва совғалар тайёрлаб қўйилди. Ғолиб команда аъзоларига биттадан аудимагнитафон бериладди.

Ноябрнинг иккинчи ярми ва декабр ойида теннис, волейбол мусобақалари уюштириш мўлжалланяпти. Ҳомийлар маблағ ажратишган.

Ташаббус сўнмасин! Спорт ишлари, ҳамкорлик қанчалик яхши йўлга қўйилса, умум ишимизга шунча яхши. Аввало инсон руҳан тетик, соғлом бўлади. Саломатлиги мустаҳкам кишининг иши эса доим юришади.

**Равшан БОБОМУХАМЕДОВ, «Ишонч» мухбири.**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик!*

# АЁЛ КЎНГЛИН ЎКСИТМАНГ

***Ҳаётимиз гуллари, деб эъзозланаётган аёл инсонни инсон, оилани оила қиладиган, умримизни гўзаллик ва меҳрибонлик билан нурафшон этадиган мўътабар зот. Аждодларимиз хотин-қизларга нечоғлик ҳурмат ва меҳр билан иззат-икром кўрсатганлари маълум. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган бу эзгу фазилатлар миллатимиз қонида яшаб келмоқда.***

Республикамиз Президенти, ҳукумати томонидан уларга беқиёс меҳрибонликлар кўрсатилиб, ҳурмати жойига қўйилмоқда. Бахтга қарши, баъзи ерларда меҳнаткаш аёллар ҳақ-ҳуқуқини чеклаш ҳоллари оз бўлса-да учрамоқда. Таҳлил шуни кўрсатадики, айрим раҳбару мутахассисларнинг амалдаги қонунларимизни яхши билмасликлари, «мен раҳбарман, меники тўғри» қабилида иш юритаётганликлари ана шундай камчиликларнинг юзага келишига асосий сабаб бўлмоқда. Қуйидаги мисол фикримиз далилидир.

М.Қосимова Андижон вилояти «Экосан» бўлимида етакчи мутахассис бўлиб ишларди. У муайян вақт виждонан ишлади. Белгиланган тадбирларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатди. Кутилмаганда у касалга чалинди. Шифохонада даволанишга тўғри келди. Саломатлигини тиклаб, қадрдон жамоасига қайтганида, кадрлар бўлимига учрашиши лозимлигини айтишди. У ердан «штат қисқаришига тушдингиз...», деган жавобни олди.

Шундан сўнг аёл ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун идорама-идора юрди. Орадан беш ой вақт ўтса ҳамки, мушкули осон бўлмади. Оилада қийинчилик юзага келди. Ахир, умрдоши II гуруҳ ногирони, уч нафар фарзандни боқишнинг ўзи бўлмайди. Шу кўйи М.Қосимова муайян вақт саросимада юрди. Яхши одамлар вилоят касаба уюшмалари Кенгашига мурожаат этишни маслаҳат беришди. У нене умидлар билан кенгаш раиси А.Содиқовга юзланди.

Шундан сўнг вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Азизбек Абдураҳмонов муштипар аёл мушкулини осон этиш учун астойдил ишга киришди. Ҳуқуқшунослар билан фикрлашди, масъул шахслар билан савол-жавоб бўлиб ўтди. Ўнлаб ҳужжатлар тикланди. Пировардида чинданам етакчи мутахассис М.Қосимова ишдан ноқонуний тарзда бўшатилганлиги исботини топди.

Тармоқ қўмитаси раиси имзоси билан «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Андижон вилоят бўлими раҳбари Н.Мамажоновга йўлланган тақдимномада жумладан шундай дейилган:

«М.Қосимовани ишдан бўшатиш ғайриқонуний равишда амалга оширилган. Тегишли ҳужжатлар Меҳнат Кодексининг 107-моддаси талаби бўйича расмийлаштирилмаган, боз устига ушбу ҳужжатнинг 100, 101, 102 ва 108-моддалари қўпол равишда бузилган. Ишдан бўшатиш буйруқ билан расмийлаштирилмаган, меҳнат дафтарчаси эгасига қайтарилмаган. Бош ҳисобчи М.Исаева Қосимованинг 26 кунлик касаллик варақасини олишни ҳамда унга ҳақ тўлашни асоссиз равишда рад этган.

Юқоридагиларга асосан маъмуриятнинг 25-сонли буйруғини бекор қилишни, жабрланувчини ўз вазифасига тиклашни, мажбурий ишламай юрган даври учун ўртача иш ҳақи ва касаллик варақасига ҳақ тўлашни амалга оширишни сўраймиз».

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмаларининг аралашуви билан яна бир кишининг мушкули осон бўлди. У ўз ишига қайта тикланди.

**Абдунаби МАННОПОВ, Қобилжон ШОКИРОВ, «Ишонч» мухбирлари.**

## СУВДЕК СЕРОБ БЎЛИНГ

Сув келтирган элда азиз, дейди халқимиз. «Обиҳаёт-ЛТД» қўшма корхонаси ана шундай савобли ишга қўл урди. Унинг Қизилтепа, Хатирчи, Конимех, Нурота, Томди туманларидаги бўлимлари ишидан аҳоли мамнун. Бундан беш йил илгари ана шу корхонага Насриддин Рустамов раҳбар бўлиб сайланди. Ўшанда бу корхона деярли банкротга учраганди. Н.Рустамов ҳеч иккиланмай корхонани янгилаш йўлидан борди.

- Хориж билан ҳамкорлик туфайли корхонамиз иқтисодий жиҳатдан оёққа турди, - дейди корхона иқтисодчиси Ҳамроқул Омонов. - Жорий йилнинг ўтган 10 ойида 92,6 миллион сўмлик капитал қурилиш ишларини бажардик. Қизилтепа тумани хўжаликларида қарийб 13 километрли сув қувурлари ёткизилди. Шунингдек, Конимех туманидаги «Сарибел», Нурота туманидаги Ф.Хўжаев номли ширкат хўжаликларида 5 та шахтали ва бурғуланган кудуқлар қазилиб, 80-100 метр чуқурликдан сув чиқарилди. Шу билан биргаликда Нурота туманидаги «Қизилча» ширкат хўжалиги учун Айдаркўл бўйларидан 100 гектар янги ер ўзлаштирилди.

**(ЎзА).**

***Тасаввур қилинг. Аёл ишдан уйга қайтаётир. Йўл-йўлакай хонадонида уни кутиб турган бир дунё юмуш ҳақида ўйламоққа чоғланади: «Овқатни қайнатиб қўйиб, уйни супуриб-сидириб оламан... Улгурсам, бирор хил ширинлик пишираман...» Бу аёлнинг уйида бири мактабдан, бири боғчадан қайтиб, «дом»га «қамалиб»гина ўтирган кичкинтойлари бор.***

*Сиз бунга нима дейсиз?*

# БОЛА ТАРБИЯСИ УЧУН ВАҚТ

Улар гоҳ соатга, гоҳ дераза орқали кўчага тез-тез қараб қўявеaccording шади. Аёл эса болалари уни нима учун кутаётганликларини ўйлаб ўтиришга вақти йўқ. У ишдан келибоқ, адоғи йўқ юмушларига кўмилиб кетади.

Хўш, менинг ўзимчи? Мен ишдан қайтаётиб нималар ҳақида ўйлайман. Уй юмуш оралиғида яна бир муҳим юмуш борлиги, у ҳам бўлса бола тарбияси учун вақт ажратиш эканини ўйлайманми ҳеч? Йўқ, албатта. Болаларимиз биз ойижонларини нега зориқиб кутишлари, уларнинг бизга аталган турфа хил саволлари, жажжи истаклари борлиги ҳеч хаёлимизга келганми? Уларнинг тарбияси учун қачон ва қандай вақт ажратаяпмиз?

Манбалардан бирида ўқиб қолдим: ишловчи аёлларнинг битта фарзандига ажратган вақти бир суткада ўн етти сонияни ташкил этаркан...

Эртасига шу қизиқ фактни ҳамхонамга гапириб бердим. «Э, бу эскирган рақам-ку, - деди у қўл силтаб. — Сизга айтсам, бугунги аёл ўз фарзандига ўн етти секунд ҳам вақт ажратмайди!» Наҳотки шундай бўлса? Беихтиёр ҳар куни уйда бўладиган ҳолатларни ўзимча таҳлил қила бошладим. Қизалоғим гоҳида ёнимга келиб суйканади: «Мен билан юринг»... Биламан, у тиззамга ўтириб. нариги хонадаги юмшоқ ўриндиқда мен билан соатлаб гаплашишни хоҳлайди. «Ишим кўпда, қизим, бор, қўғирчоқларинг билан ўйнаб тур...» дейман. Қизим эса аллақачон «жонига теккан» жонсиз қўғирчоқлари билан ўйнагиси йўқ, бир четда жавдираб менинг ишим тамом бўлишини кутади. Унинг ўксинганини кўриб, гап қотаман: «Бугун боғчангда нималарни ўргандинг?» Шунда у жонланиб, ҳушёр тортади, ўрнидан туриб гир айланади, сўнг «Мана мен қанақа ўйинни ўрганиб олдим, бир қаранг...» дейди. Мен эса бу вақтда қозон қопқоғини ёпиб, кир ювиш учун ваннахонага бурилаётган бўламан. «Ахир, бир қарашга вақт қани!» Қизалоғим ҳафсаласи пир бўлиб нариги уйга, акаси ёнига кетади.

Ўғлим-ку, мени ҳудабеҳудага безовта қилавермайди. Шундай бўлса-да гоҳо ўзим «Бугун мактабда нималарни ўтдинглар?» деб сўраб қўяман. У мириқиб жавоб бера бошлайди. Бош силкиб қўяману, «Ишимни тугатиб бориб, бирма-бир текшираман» дейман. Қаёқда! Юмуш тамом бўларканми? Хуллас, кунлар шу тахлит ўтади. Болаларимиз эса бизнинг меҳримизни, эътиборимизни, бўш вақтимизни орзиқиб кутиб яшайверишади...

Аслида, фарзандларимиз бизнинг меҳримиз булоғидан сув ичиб, яйраб-яшнамоқлари зарур. Биз эса улардан чексиз меҳр-муҳаббатимизни аяймиз, баъзан. Гап болани эркалаб - суюш эмас, Асло! Меҳр фақат эркалаш жараёнида берилмайди, аксинча у бизнинг жисми-жонимизни бахш этишимиз баробарида болага сингдирилади. Гўдакларимиз биздан ана шундай улкан меҳрни кутиб яшайдилар. Яна бир воқеа. Бир тунда уйқим қочиб, туриб кетдим. Кутубхонадан олган китобни мутолаа қилиб тонг оттирмоқчи бўлдим. Шарпамдан қизалоғим ҳам уйғониб кетди. Ёнимга келиб ўтирди. Бирданига меҳрим товланди. Тезгина чой қўйиб, икковимиз учун нонушта ҳозирладим. Она-бола тонг қоронғусида бирга чой ичишдик, икки соатча мириқиб суҳбатлашдик, зўр ҳафсала билан унинг гапларини эшитдим, ҳеч бир саволини жавобсиз қолдирмадим. Эртасига эса... Ярим тунда қизчам мени уйғота бошлади. Уйқу аралаш сўрадим: «Ҳа, нима бўлди?».

— Туринг, бирга чой ичамиз!

Қизим яна менинг барвақтроқ туришимнию, кечаги суҳбатни давом эттиришимизни истаётган экан!

... Ишдан уйга қайтаётган Аёл. У менинг касбдошим. У менинг дугонам. У менинг опам, ё синглим. У — менинг ўзим. Уйимизга боргач, уй юмушларига чоғланишдан олдин бир зум ўйлаб олайлик. Токи, шу кунги режаларимизга «бола тарбияси учун вақт» деган зарур юмушни ҳам киритайлик. Зеро, бу юмуш кундалик майда-чуйда ишларимиз ичида энг қадрлиси, энг суюклиси бўлсин.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

# ШИРИНИ ҲАНГОМАЛАРИ

*Бир қишлоқ бор бизларда*
*Номи машҳур Ширини.*
*Ҳеч ким англаб етмаган*
*Бу қишлоқнинг «сир»ини.*
*Ҳакка қўнган тарновда*
*Югурган ҳам Ширини.*
*Ресторанда қуртова*
*Буюрган ҳам Ширини.*
*Костюм қолиб майкага*
*Медаль таққан ҳам шулар.*
*Туфли қолиб калишга*
*Нағал қоққан ҳам шулар.*
*Шудгор қилиб томига*
*Арпа эккан Ширини.*
*Азал-абад номига*
*Масал теккан Ширини.*
*Миноpани эшакка*
*Ортмоқ бўлган Ширини.*
*Тарозида булутни*
*Тортмоқ бўлган Ширини.*
*Ерга сочган ҳам шулар*
*Дон ўрнига сомонни.*
*Жўхоримни йиқди деб,*
*Судга берган шамолни.*
*Қопқон қўйиб бургага,*
*Тутмоқ бўлган Ширини.*
*Баҳс бойлашиб кирпини*
*Ютмоқ бўлган Ширини.*
*Булутга ҳам нов қўйиб,*
*Сув олмоқни ўйлаган.*
*Туғилмаган ўғлини*
*Марслик қизга тўйлаган.*
*Учоқдан ўз томига*
*Тушмоқ бўлган Ширини.*
*Бургут қанотин боғлаб*
*Учмоқ бўлган Ширини.*
*Кўйлак киймай бўйинбоғ*
*Таққан одам шу ерлик.*
*Қизиқишга чивинни*
*Боққан одам шу ерлик.*
*Ширинига тараф йўқ,*
*Шумликда удир якто.*
*Донишқишлоқ аҳли ҳам*
*Унга бас келмас ҳатто.*
*Шириннини дунёга*
*Танитгандир доноси.*
*Тинглангиз бир ҳангома*
*Келганида хонаси...*

## МАСЛАҲАТ

*Қаердадир ер қимирлаб*
*Барча юрак олдирди.*
*Маслаҳатга келди эл,*
*Бор ишини қолдирди.*
*Ширинида одат шу -*
*Маслаҳатсиз иш битмас.*
*Бир қарорга келмасдан,*
*Бирор Ширини кетмас.*
*Зилзила - бу офат-да,*
*Ҳамма нажот қидирар.*
*Ҳар ким ўзин доно деб,*
*Бирор фикр билдирар.*
*Бири деди: бир одам*
*Ерни босиб ўтирсин.*
*Кучли бўлса зилзила,*
*Майли бизни кўтарсин.*
*Бири деди: «Барчамиз*
*Ерни чуқур ўяйлик.*
*Зилзила чиқиб кетсин,*
*Йўлин очиб қўяйлик».*
*Бири деди: «Йиғилиб*
*Зилзилага борсак-чи.*
*У-бу нарса сўраса,*
*Тилаганин берсак-чи.*
*Ажабмаски, бу ишни,*
*Биз донолар дўндирсак.*
*Зилзилани узоқда*
*Қимирлашга кўндирсак.»*
*Бири у деб, бири бу,*
*Машваратни шиширди.*
*Қулоқ солиб доноси,*
*Маслаҳатни пиширди:*
*«Қарор шу, биродарлар,*
*Барча томда ухласин.*
*Сақланганни Худойим,*
*Паноҳида сақласин.*
*Зилзила ерда бўлар,*
*Томда бўлсак, кўнгил тўқ.*
*Ёрилса, ер ёрилар,*
*Бизга ҳеч хавотир йўқ.»*

**Шоҳруҳ МИРЗО, Бухоро.**

# ХУМОР

*интермедия*

**Чол хуноб, хона ичида у ёқдан-бу ёққа асабий юради. Кампир ҳайрон.**

**КАМПИР** — Ҳа, дадаси? Баҳор об-ҳавосидай бирдан феълингиз айниб қолди?

**ЧОЛ** — Туман марказидаги матбуот дўкони бир ҳафтадан бери берк. Ўз қишлоғимизда бунақа дўкон анқонинг уруғи. Нима қилиш керак? Газетани қаердан оламан энди?

**КАМПИР** — Вой, матбуот дўконининг ишламаганига худди мен айбдордай, дўқ-пўписа қиласиз-а? Айб ўзингизда, вақтида обуна бўлганингизда, айтган газета-журналингиз уйингизга ўзи келиб турарди.

**ЧОЛ** — «Вақтида обуна бўлиш керак эди»миш. Буни ўзим ҳам биламан. Обуна пайтида кўрдингку, оёғи куйган товуқдай у ёқдан — бу ёққа югурдим. Худо берган узумларни саронжом қилдим-да.

**КАМПИР** — Хафа бўлманг, бу йил эртароқ ёзилиб қўйсангиз, газета қидириш ташвишидан кутиласиз қўясиз. Ҳозир ўғил-қизларингизга бир-бир қўнғироқ қиламан, минг сўм — минг сўмдан юборишади.

**ЧОЛ** — Э, ўргилдим ўша ўғил-қизларингдан. Ўзлари севган газетага обуна бўлиб олишган-у, ота-онам нимани ўқийди деб ўйлашмайди. Ҳаммаси сенга тортган, сенга!

**(Шу пайт хонага кенжа ўғил кириб келади)**

**ЎҒИЛ** — Ассалому алайкум. Дада, мана сизга янги газеталар.

**ЧОЛ** — Бормисан, ўғлим. Газета ўқимасам, кашандага ўхшаб, азбаройи хумори тутганидан ўзимни қўйгани жой тополмай қоламан.

**ЎҒИЛ** — Бу ҳали ҳаммаси эмас, дада. Муҳими буёқда: сизни ўзингиз ёқтирган газеталарга бир йилга обуна қилдириб қўйганман. Мана квитанциялари.

**ЧОЛ** —Яшавор, болам. Кўряпсанми, онаси, ўғилларим ўзимга тортган-да.

**Муҳаммаджон АБДУКАРИМОВ.**



Марғилон шаҳридаги маҳаллалардан бири «Тақачи» номи билан юритилади. Бу ном ҳудуднинг тарихи билан бевосита боғлиқ. Нуроний отахон-онахонларнинг айтишича, бир пайтлар маҳалла аҳлининг асосий касб-кори темирчилик ва тақачиликдан иборат бўлган. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда.

**Суратда: ўз касбининг устаси Шерали Тожибоев ўғлига темирчилик сир-асрорларини ўргатмоқда.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.**

*Ҳ*
*И*
*К*
*М*
*А*
*Т*
*Л*
*А*
*Р*

*Виждонинг амрига қулоқ сол! Эзгулик шундай нарсаки, ундан қалб ҳам, виждон ҳам ором олади. Гуноҳ иш шулки, ундан қалб қарор топмайди, виждон азобланади. Кишилар фатво берсалар ҳам сен ўз виждонингдан фатво сўра!*

* * *

*Ахмоқ киши билан ҳамсуҳбат бўлма, алоқанг бўлса уз!*

* * *

*Ҳаётда аҳамиятсиз, фойдасиз сўзларни кўп гапирувчи киши қиёмат кунида одамларнинг энг гуноҳи кўпи бўлади.*

* * *

*Омонатли, ишончли бўлиш ризқ келтиради, хиёнат фақирликни (камбағалликни).*

* * *

*Кишининг энг лаззатли ва ҳалол таоми ўз касби билан топган ризқидандир.*

## *Миллионлар ўйини*

### «ПАХТАКОР-1» ХОТИРА ТУРНИРИ ҒОЛИБИ

Футбол мактаблари жамоалари ўртасида ҳар йили ўтказиб келинаётган анъанавий Ҳамид Раҳматуллаев хотира турнири ёш футболчилар маҳоратининг ошишига хизмат қилмоқда.

Куни кеча ёш футболчилар ўртасида ўтказилган қизиқарли турнирнинг навбатдаги саҳифаси тўлдирилди. Нафақат республикамиз ёш футболчилари, балки Чимкент шаҳри футбол мактаби тарбияланувчилари ҳам иштирок этган қизиқарли баҳслар якунига кўра «Пахтакор-1» жамоаси ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар наманганликларга ҳамда «Пахтакор-2» жамоасига насиб этди.

Турнирнинг «Энг яхши дарвозабони» совринi «Пахтакор-1» тарбияланувчиси Виктор Назловга топширилди. «Энг яхши ярим ҳимоячи» ва «Энг яхши ҳужумчи» совринларига ҳам пахтакорчилардан Равшан Осимов ва Довуд Жаддаевлар сазовор бўлишди. Муборак футбол мактаби футболчиси Икром Хожимуродов «Энг яхши ҳимоячи» совринига лойиқ топилган бўлса, наманганлик ёш футболчи Миржалол Нуриддинов турнирнинг тўпурари бўлди.

«Пахтакор» жамоасининг фахрийлари Сергей Арутюнов ва Виагельм Қаҳҳоровлар турнир ғолиби ҳамда соврин эгаларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт марказий кенгаши таъсис этган совғаларни топшириб, ёш футболчиларга омад тиладилар.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**



Нафақадаги тиш шифокори балиқ овида: — Қани а-а-а, деб юбор-чи, қармоқни тортиб оламан.

**А. ҲАКИМОВ чизган сурат.**

# БОШҚОТИРМА




**БЎЙИГА**: 1. Биринчи ўзбек генерали. 3. Ўзбек автомобили. 4. Мансабдор шахс. 6. Ёшларни қўллаб-қувватловчи жамғарма. 10. Таниқли ўзбек адиби. 11. Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳар. 14. Муҳаддислар имоми. 15. Ўзбек космонавт учувчиси. 18. Рақс дастаси. 19. Она юрт.

**ЭНИГА:** 7. Ёшлар нашриёти. 8. Жанговар нишон. 9. «Шашмақом» тўплами муаллифи. 12. Иқтисодиётнинг янги шакли. 13. Эркин Воҳидов қаламига мансуб қасида. 16. Миллий чолғу асбоби. 17. Ўзбек халқ куйи. 21. Юксак инсоний фазилат. 23. Саломатлик посбони. 24. Шариатга кўра рўза тутиладиган ой.

**ЁЙЛАР БЎЙИЧА:** 2. Ўзбекистон ҳудудидаги энг катта вилоят. 5. Тизма тоғ. 20. Йирик мармар кони. 22. «Абулфайзхон» асарининг муаллифи.

### МУАММОНОМА

Аввало қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган сўз ва номларни топиб «очқич»ни ечинг.

1. «Шашмақом» таркибидаги мақом - 6, 11, 16, 9, 7.
2. Ёшлар рўзномаси — 14, 11, 17, 5, 15, 4, 14, 9, 10.
3. Йилнинг ой ва кунлари акс эттирилган жадвал — 14, 8, 3, 2, 15, 13.
4. Ер шарининг бир томони — 1, 8, 10, 11, 12.

«Очқич» сўзлар ёрдамида муаммономани ҳал этинг. Ундан ҳикматли сўзлар аён бўлади.

**Тузувчи: Азизжон ЭРМАТОВ.**

### ГАЗЕТАНИНГ 161-СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ

**ЭНИГА**: 1. Қайроқи. 4. Мотобол. 7. Агрегат. 8. Чақирим. 11. Аммо. 12. «Жимжитлик». 13. Атир. 16. Андиша. 19. «Меҳнат». 20. Трактор. 21. Урганч. 22. Карвон. 26. Чиғатой. 27. Лутфий. 28. Фарада. 32. Ганч. 33. Тиллакори. 34. Сада. 37. Яковлев. 38. Саппоро. 39. Нақорат. 40. Ваколат.

**БЎЙИГА:** 1. Қатлама. 2. Охра. 3. Инглиз. 4. Миккий. 5. Торф. 6. Лазарет. 7. Аҳмедов. 9. Матонат. 10. Лирика. 14. Ошкоралик. 15. Термограф. 17. Транзит. 18. Хонақох. 23. Эстония. 24. «Машъал». 25. Одам ато. 27. Лигроин. 29. Адабиёт. 30. Миллат. 31. Орипов. 35. Шоир. 36. Полк.

Жиззах вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсат аъзоси, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Авазхон Эргашевга волидаи мухтарамаси **НАФИСАХОН аянинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.10

Буюртма Г— 1024.

1 2 3 4 5 6